

## Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳонинг фазллари



15:00 / 19.02.2019 4284

### VII

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарни ирода қилсалар, хотинлари орасида қуръа ташлар эдилар. Қайси бирларининг қуръаси чиқса, ўша аёлларини ўзлари билан бирга олиб чиқар эдилар. Ана шу тартиб билан бўлса керак, Савда бинти Замъа онамиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Хайбар ғазотида иштирок этганлар.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи «Тобақот» китобида зикр қилишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлжадан Савда бинти Замъа онамизга саксон васақ хурмо ва йигирма васақ арпа ажратган эканлар.

Аmmo вақт ўтиб бориши билан Савда бинти Замъа онамиз ўзларида қарилик аломатларини яна ҳам кўпроқ сезиб борар эдилар. Бунинг устига, «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Савда онамизни талоқ қилар эмишлар», деган гап ҳам тарқалди. Савда онамиз учун мана шу гап катта мусибат бўлди. У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари бўлишни ўзлари учун энг буюк бахт деб билар эдилар. Савда онамиз нима қилиб бўлса ҳам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлишга чора ахтара бошладилар.

Абу Довуд, Аҳмад ва Бухорийлар Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тақсимда, олдимизда қолишларида бизнинг баъзимизни баъзимиздан устун кўрмас эдилар. Ҳаммамизнинг олдимизга кириб, айланиб чиқмаган кунлари оз бўлар эди. Тегмасалар ҳам, ҳар бир аёлнинг ёнига кириб чиқар, навбат куни келганнинг олдида ётиб қолар эдилар. Савда онамиз ёши катта бўлиб қолганда ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан ажралишларидан қўрққанда:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менинг куним Оишага бўлсин», деди.

Биз «Мана шу ва шунга ўхшаганлар ҳақида Аллоҳ таоло «Агар аёл киши ўз эридан зуғум ва юз ўгириш содир бўлишидан қўрқса, икковлари ўзаро сулҳга келишишларида уларга гуноҳ йўқ»ни нозил қилган», дер эдик».

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Мен Савдадан бошқа тутими ва сийратида унга ўхшашни ёқтирадиганим аёлни кўрмадим. У ёши катта бўлганда:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Сиздаги (ҳаққим бор) кунимни Оишага бердим», деди.

Бас, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оишага икки кунни – ўз кунини ва Савданинг кунини тақсим қилар эдилар».

Икки шайх ривоят қилганлар.

Аввал ҳам бир неча бор такрорлаганимиздек, оналаримизнинг баъзиларининг ёши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшларидан катта эди. Жумладан, Савда онамизнинг ҳам.

Ёшлари ўтиб қолганда у киши мазкур ҳолатлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам учун ҳам қийинчилик туғдириб, мени ёқтирмай қолмасинлар, деб ўз кунларини у зотнинг энг ёш ва маҳбуб аёллари Оиша онамизга ҳадя этганлар. Шунинг учун ҳам Оиша онамиз Савда онамизни яхши кўрар ва тутимда, сийратда ўша кишига ўхшашни хоҳлар эдилар.

Албатта, бундай фидокорликни амалга ошириш аёл киши учун катта жасорат. Бу ишни фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқинларида туришнинг ўзи ҳам бахт деб билган аёлгина қилиши мумкин. Савда онамиз бу масалада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилганларида:

«Мен сизнинг завжаларингиз қаторида қайта тирилишимни хоҳлайман», деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг бу илтимосларини қондирганлар.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**